O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ANDIJON VILOYATI XONOBOD SHAHAR HOKIMINING QARORI

Xonobod shahar, Umarshayx Mirzo ko‘chasi 2-uy, Telefon 734-44-41 Email: khanabad@umail.uz

2022 - yil 13 - yanvar 8-1-30-Q/22 Xonobod shahar hokimligi

Хонобод шаҳридаги умумфойдаланувдаги автомобиль йўлларига йўл белгилари ўрнатилишига рухсат бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-348-сонли *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда)* Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 370-сонли *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3-сон, 23-модда; 2017 й., 36-сон, 958-модда)* қарори ижросини таъминлаш, Хонобод шаҳри ҳудудидан кесиб ўтувчи автомобиль йўлларида транспорт воситаларииинг тирбандликлар юзага келишини олдини олиш, пиёдалар ва транспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, Хонобод шаҳар ИИБ ЙҲХГнинг 2021 йил 16 декабр кунги 6/95-сонли хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-, 25- моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Хонобод шаҳар ИИБ ЙҲХГнинг 2021 йил 16 декабрь кунги 6/95-сонли хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Мазкур қарор қабул қилинишини муносабати билан:

- Хонобод шаҳри Анхор маҳалла фуқаролар йиғини И.Каримов кўчаси

автомобиль йўлида транспорт воситалари тирбандлигини олдини олиш ва шаҳар ҳудудида йўл-транспорт ходисаларини содир этилишини камайтириш учун “Ёшлар” маркази биноси томонга пиёдалар ўтиш жойи олдига **3,27 (Тўхташ ва тўхтаб туриш тақиқланган)** йўл белгиси ўрнатилишига рухсат берилсин.

3. Шаҳар ободонлаштириш бошқармаси (И.Якубов)га мазкур йўл белгиларини ўрнатиш вазифаси юклатилсин.

4. Шаҳар ички ишлар бўлими (М.Болтаев)га ушбу ҳудудда харакатланувчи транспорт воситаларини мазкур йўл белгиларига қатъий риоя қилинишига ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5. Мазкур қарор оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинган кундан бошлаб қонуний қучга киради.

6. Хонобод шаҳар ҳокимлиги матбуот хизмати раҳбари Б.Жабаралиевга ушбу қарорни “Хонобод садоси” газетаси ва шаҳар ҳокимлиги расмий веб-сайтига жойлаштирилиш вазифаси топширилсин.

7. Ушбу қарорни ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ф.Эргашев зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими в.в.б **Х.Таджибоев**